

Сийрат дарслари (123-дарс). Масжидул Ҳаромдаги намознинг улуғлиги



15:00 / 12.02.2021 3848

476. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Менинг масжидимдаги бир намоз ундан бошқасидаги мингта намоздан яхшидир. Фақат Масжидул Ҳаромгина бундан мустасно»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

477. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккани фатҳ қилган кунлари:
«Ҳижрат қилиш йўқ, лекин жиҳод ва ният бор. Қачонки урушга чиқишга чақирилсангиз, чиқинг! Дарҳақиқат, бу Аллоҳ таоло

осмонлару ерни яратган кунда ҳарам қилган шаҳардир ва у Аллоҳнинг ҳарам қилиши ила қиёмат кунигача ҳарамдир. Албатта, унинг ичида уруш қилиш мендан олдин ҳеч кимга ҳалол қилинган эмас. Менга ҳам куннинг бир муддатидагина ҳалол қилинган, холос. Бас, у Аллоҳнинг ҳарам қилиши ила қиёмат кунигача ҳарамдир. Унинг тикани юлинмайди, ови ҳуркитилмайди, топилмасини уни эълон қилган кишидан бошқаси олмайди ва унинг ўсимликлари юлинмайди», дедилар. Аббос: «Эй Аллоҳнинг Расули, изхир мустасно (денг), чунки у (Макканинг) темирчилари ва уйлари учун (керак)», деди. У зот: **«Изхир мустасно»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

478. Жобир розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирортангизга Маккада қурол-яроғ кўтариш ҳалол эмас»**, дедилар.

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан